

Нигора МУЛЛАСОДИҚОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти, ал-Азҳар
кафедраси катта ўқитувчиси

ҚУРЪОННИНГ АРАБ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

Мақол ва маталлар халқ орасида энг кенг қўлланадиган адабий жанрлардан биридир. Арабларнинг энг қадимги даврлардан турли афоризмлардан кенг фойдаланиши эса одатий ҳолат деб ҳисобланган. Улар сўзамол, шоиртабиат халқ бўлгани учун ўзаро суҳбатда ҳам бир-бирдан ўзишга интилиб, суҳбатдошига жавобан турли мақол, матал, ҳикматли гапларни тез ва шароитга мослаб топишга, ёки ўз фикрини бирор шеър, жумбоқли топишмоқ ёки гўзал панд-насихат орқали ифодалашга эришолган. Бунга ўша вақтларда ҳам адабий муҳитнинг мавжудлиги, конференция тарзида йиллик мушоираларнинг уюштирилиши ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Инсоннинг турмуш тарзи, орзу-ҳаваслари, атрофдаги воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ ўй-фикрларининг турли йўллар билан образли қилиб ифодаланиши натижасида мақол ва маталлар вужудга келган. Фикр ифодалашда мақол, матал, ҳадис, ҳикмат ва топишмоқлардан

моҳирона фойдаланиш тилнинг жозибаси, унинг бой имкониятини кўрсатиш деб баҳоланган. Афоризмларнинг нутқда тўғри қўлланиши сўзловчининг диди нозиклиги ва сўзга усталигига ишора деб ҳисобланади.

Матал тугал маъно ифодаламайдиган образли ибора¹ бўлиб, унинг замирида бир маъно яширинади. Масалан, “Қизил қор ёққанда” ёки “туянинг думи ерга текқанда” иборалари бир ишнинг нихоясига етмаслигини ифодалаш учун ишлатилади. Мақол эса ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд-насихат мазмунига эга бўлган ихчам, образли ҳикматли гапдир². Масалан, “Сут билан кирган жон билан чиқади” ибораси бирор одатга ўрганиб қолган одамга нисбатан ишлатилади.

Араб мақол ва маталларининг шаклланиши ва ривожланиши узоқ ўтмишга - Жоҳилия ва

¹ Мирзаев Т. ва бошқалар. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, -Б.555

² Мирзаев Т. ва бошқалар. Мазкур адабиёт. –Б.569

ундан аввалги даврга бориб тақалади. Бу даврда Арабистон ярим оролида яшаган аҳолининг бир қисми шаҳарларда ўтроқ ҳаёт кечириб, ҳунармандчилик ва тижорат билан шуғулланган. Кундалик ҳаётларида турли қабила вакиллари билан савдо-сотик ва маҳсулот айрибошлаш учун мулоқот қилишлари натижасида бошқа тилларда қўлланадиган сўз ва иборалар уларнинг она тилларига аралашиб кетган. Арабистон ярим ороли аҳолисининг қолган қисми эса кўчманчи араблар - бадавийларни ташкил этган. Улар ташқи муҳит таъсиридан буткул холи тарзда саҳрода чорвачилик билан шуғулланган. Бу даврда яшаган бадавийлар табиатан сўзга чечан, шоиртабиат бўлгани учун кундалик турмушларида ҳозиржавоблик билан шеърӣ жавоб қайтариш, топишмоқ, мақол ва маталлардан унумли фойдаланишга одатланган. Ижодкорларнинг ижод намунаси тақдим этилиши учун ҳар йил зулқаъда ойининг 1-20 кунлари Уккоз бозорида адабий кечаларнинг анъанавӣ якуний босқич йиғилишлари ташкиллаштирилган. Бу ҳисобот йиғилишларида иштирок этганларнинг ижод намуналари аввалги йилларда тақдим этилган шеърлардан буткул фарқланиши, сўз ва маъно такрорланмаслиги шарт қилиб белгиланган. Тингловчилардан бирортаси тақдим этилаётган шеърни аввал эшитгани ҳақида даъво қилса танловдан четлаштирилган. Мусобақада иштирок этаётган шоир ўз ижодини асл араб тилида, бошқа тиллардан бирорта сўз аралаштирмай баён қилиши лозим бўлган. Ижод аҳлининг ўз она тилида соф сўзлаши асосӣ шартлардан бири сифатида белгиланган. Шоирлар мураккаб талабларга жавоб бериб, бошқалардан устун эканликлари эътироф этилиши учун ижодларида бадий санъат турларидан жуда кенг фойдаланишган, аммо бу санъат турлари кундалик ҳаётда ишлатилмаган. Шу тариқа V аср охирларидан VII аср ўрталаригача Шимолий Арабистон ярим оролида оғзаки ижод ривожланди.

Мақол ва маталлардан фойдаланиб гапириш, жумбоқли гап билан фикрни якунлаш кейинги давр - классик давр адабиётида ҳам давом этди. Мақоллар ҳақидаги илк тадқиқотлар хижрий 2-асрларда (мелодий VII аср) бошланган. Бу ҳақида немис олими Карл Броккельман шундай дейди: “Олимлар араб адабиёти вужудга келган даврдан бошлаб мақол ва маталлар билан кизикқанлар. Тарихчи ва филолог олимлар мақолларни жам қилиш, тўплаш ва уларни шарҳлаш бўйича ўзаро мусобақалашишган”³.

Абу Амр ибн Аъло (771 в.), Юнус ибн Ҳабиб (799/800 в.), Абдулмалик бин Муҳаммад Саалибий (1038 в.) каби филолог олимлар мазкур йўналишда изланишлар олиб бориб, мақоллар фикрни сиқик, лўнда, лаконик ва сифатли қилиб ифодалаш йўли деб баҳолаганлар.

Мақолларга оид энг қадимги китоб Куфа мактаби вакили Муфаззал ад-Даббий (786 в.) нинг “Амсал-л-араб” (أمثال العرب) асаридир. Мазкур асар энг қадимги мақоллар тўпланмаси деб ҳисобланиб, VIII асрда ёзилган ва 1882 йил Истамбулда нашр қилинган⁴.

Салим Маари Хидарусӣ эса VIII асрларда вафот этган Убайд ибн Шаррия ал-Журхумӣ VII аср бошларида араб мақоллари ҳақида илк китобини ёзган, дейди⁵. Шунингдек, бугунги кунгача сақланиб келган Амр бин ас-Саддуснинг (810 й.) мақолларга оид китоби ҳам мавжуд. Мақоллар билан асли Нишопурдан бўлган олим Абу Фазл ал-Майдонӣ ҳам шуғулланган ва унинг “Мажмаъу-л-амсал” (مجمع الأمثال) номли асари мавжуд.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, мақол ва маталлар жоҳилия даврида оғзаки тарзда шаклланган, VII асрлардан бошлаб мақолларга оид асарлар устида тадқиқотлар олиб борилгани, VIII асрда эса араб

³ The Encyclopaedia of Islam. Vol. 1–4. Leyden: E. J. Brill, 1913–1936. - C. 408

⁴ بدوي طبانة. معجم البلاغة العربية. - جدة: دار المنارة. 1988. - ص. 631-633

⁵ Hidarousi Salim Mar'i. al-Mathal wa ma yajri ārahu min al-ashkal al-'arabi fi kutub al-amthal al-qadima 'ind al-'arab. Urdun: Qism al-lughat al-'arabiya bi jamiat al-ayrmuk, 2008. 350 c. 2.

мақоллари оғзаки тарздан ёзма ҳолатга ўтиб, китоб тарзида йиғилгани ҳақида маълумотлар бор⁶. Бинобарин, халқ оғзаки ижоди намуналарида араб тили ўз имкониятларини сайқаллаб, асрлар оша ўз тил бадиийлиги хусусиятларини шакллантириб борган. Кейинчалик мана шу бадиийлик хусусиятлари Қуръон тилида ўз аксини топган. Классик араб тилининг бадиий тасвир воситаларга бойлиги, маънодорлиги, поэтик нутқнинг энг ёрқин лисоний элементларини ўзида мужассам этганлигининг эстетик замини, энг аввало, халқ ижоди эканлиги қатор олимлар тадқиқотларида исботланган. Айнан қадимги фольклор, яъни араб халқ оғзаки ижоди намуналарида маъоний илмининг бадиий хусусиятлари ва лингвистик тамойиллари шаклланиб улгурган. Чунки исломгача бўлган даврдаги араб фольклорида мумтоз араб адабиётининг типологияси, жанр классификацияси, унинг ранг-баранглиги, тилининг бадиийлиги ва бадиий нутқ унсурлари, ғоялари ва сюжетлари, образлар силсиласи ва қадриятлар тизимининг барчасининг илк элементларини кузатиш мумкин.

Мақол ва маталлар шаклланишида классик даврнинг энг мукамал ва мўътабар манбаси бўлган Қуръони Каримнинг баъзи оятлари ҳам асос бўлган. Оятлар асосида шаклланган мақол ва маталларга одатда битта оятнинг бирор қисми ёки бир неча оятлар сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, Жумъа сурасининг 5-ояти шундай келтирилади:

مَثَلُ الَّذِينَ حُمِّلُوا التَّوْرَةَ ثُمَّ لَمْ يَحْمِلُوهَا كَمَثَلِ الْحِمَارِ يَحْمِلُ أَسْفَارًا...

Таврот юклатилган (берилган), сўнгра уни кўтара олмаган (унга амал қилмаган) кимсаларнинг мисоли худди китобларни кўтариб кетаётган эшакка ўхшайди.

Оятнинг сўнгги - الْحِمَارُ يَحْمِلُ أَسْفَارًا қисми кейинчалик беҳисоб китоблари бор ёки жуда

кўп маълумотга эга одам ўзи эга бўлган шу маълумотлардан фойдаланмагани учун “إِنَّهُ كَالْحِمَارِ يَحْمِلُ أَسْفَارًا” – “у эшакка ўхшаб китобларни ортиб юради” маъносидаги араб мақолининг шаклланишига асос бўлган. Оятдаги أَسْفَارٌ сўзидан Мусо (а.с.)га нозил бўлган беш китоб кўзда тутилган.

Қасас сурасининг 10-ояти қуйидагича бошланади:

أَصْبَحَ فُؤَادُ أُمِّ مُوسَى فَارِغًا... - *Мусо онасининг қалби ташвишдан фориғ бўлди.*

Бу оят ғам-ташвишдан қутилган одам ҳолатини ифодаловчи “Мусонинг онасининг юрагидан ҳам хотиржам” мазмунини ифодаловчи “أَفْرَغَ مِنْ فُؤَادِ أُمِّ مُوسَى” мақолининг шаклланишига асос бўлган.

Анкабут сурасининг 41-ояти қуйидагича келтирилган:

مَثَلُ الَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ أَوْلِيَاءَ كَمَثَلِ الْعَنَكَبُوتِ

Аллоҳдан ўзгаларни дўст тутган кимсаларнинг мисоли худди ин қуриб олган ўргимчакка ўхшайди.

Бу оят асосида “أَضْعَفُ مِنْ نَيْبِ الْعَنَكَبُوتِ” - *ўргимчак унidan ҳам заиф*” мақоли келиб чиққан.

Лукмон сурасининг 19-ояти қуйидагичадир:

...وَأَعِضْضُ مِنْ صَوْتِكَ إِنَّ أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ لَصَوْتُ

الْحَمِيرِ —

...ва овозингни паст қилгин. Чунки овозларнинг энг ёқимсиз эшакларнинг овозидир.

Бу оятда инсон баланд овоз билан гапирмаслиги буюрилади, чунки овознинг баландлиги эшакнинг ёқимсиз овозига ўхшатилади ва оят асосида

“أَفْخِ مِنْ صَوْتِ الْجَمَارِ” – *эшакнинг овозидан ҳам ёмонроқ*” мақоли истеъмолга киритилган.

Ҳаж сурасининг 73-оятининг охири қуйидагича келтирилади:

⁶ بدوي الطبانية. معجم البلاغة العربية. - جدة: دار المنارة. الطبعة الثالثة. 1988. -ص. 631-633

تَلَّابٌ أَتُوبُحِي ۛامَ الْمَطْلُوبُ...
сўралувчи (бутлар) ҳам заифдирлар-

Оятнинг ушбу қисми араб халқ мақоллари қаторига ҳеч қандай ўзгартиришсиз “ضَغَفَ” тарзида ўзлаштирилган ва бефаҳм одамнинг бемаъни иш ортидан қолмай югураверганда ишлатилади.

Нисо сурасининг 123-ояти қуйидагича келтирилади:

... كِمِكِي ۛمُونَلِك... يَهْ مَنْ يَعْمَلُ سُوءًا يُجْزَى بِهِ...
қилса, унинг жазосини тартадир..-

Бу оят халқ орасида “ما تَزْرَغُ تَحْصُدُ” – нима эксанг, шуни оласан” мақолининг шаклланишига асос бўлган.

Тавба сурасининг 47 – ояти:

...Холбуки, ичингизда уларга қулоқ солувчилар бор эди...–... فَيَكُمُ سَمَاعُونَ لَهُمْ ... ояти эса халқ орасида “إِنَّ لِلْجِبَّانِ أَذَانًا” – “деворнинг ҳам қулоғи бор” мақолига, Аъроф сурасининг 31-оятида шундай дейилади:

...عَبْ إِيْنِغْ ВА ИСРОФ_АШ_Р_ف_وَ لَا تُشْرَفُوا وَلَا تَشْرَفُوا...
қилманг...– ...

Бу оят асосида эса “الْحَمِيَّةُ رَأْسُ الدَّوَاءِ” – “Шифонинг бошланиши парҳездир” ҳикмати шаклланган.

Нух сурасининг 27-оятида эса шундай дейилади:

فَوْجِيرُ كَوْفِيرِدَانْ كَفَّارًا إِلَّا فَاجِرًا كَفَّارًا...
бошқа тугмаслар -

Ушбу оят “لَا تَلِدُ الْحَيَّةُ إِلَّا حَيَّةً” – “илон фақат илон тугади” мақолининг шаклланишига сабаб бўлган.

Нажм сурасининг 8-9- ояти қуйидагича келтирилади:

ثُمَّ دَنَا فَتَدَلَّى. فَكَانَ قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَى.

Сўнгра яқинлашиди ва жуда ҳам яқин бўлди. Бас, икки камон миқдоридан яқин бўлди. Балки ундан ҳам яқинроқ келди.

Бу оят асосида “قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَى” мақоли шаклланган. Унинг маъноси Жаброил (а.с.) ерга тушганда Муҳаммад (с.а.в.)га шу қадар яқин келади-ки, улар орасидаги масофа 2 камон миқдорича бўлади. Мазкур оят ишнинг амалга

ошишига шу қадар яқин қолганини ифодалайди.

Мақолларга асос бўлган оятлардан кўплаб намуналар келтириш мумкин. Жумладан, Раъд сурасининг 14, 17 – ояти, Юсуф сурасининг 41, 65, 68-оятлари ҳам халқ орасида кўп ишлатиладиган мақолларга асос бўлган. Оятлар билан бир қаторда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадислари ҳам машҳур араб мақолларининг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этган. Қуйида кундалик ҳаётимизга сингиб кетган ва биз мақол деб ҳисоблайдиган, аслида эса уларга ҳадислар асос бўлган мақоллардан намуналар келтирамиз:

الرَّائِدُ لَا يَكْنُبُ أَهْلَهُ - Бошлиқ ўз аҳлини алдамайди.

الْحَلَالُ بَيْنَ وَالْحَرَامِ بَيْنٌ - Ҳалол ҳам ҳаром ҳам аниқ.

لَا ضَرَرَ وَلَا ضِرَارَ - Шикаст ҳам йўқ, зиддият ҳам йўқ.

أَنْتَ مَعَ مَنْ أَهْبَيْتَ - Сен ўзинг ёқтирган одам билансан.

إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ - Амаллар ниятларга боғлиқ.

مَنْ لَا يَرْحَمُ لَا يَرْحَمُ - Мехр кўрсатмаган мехр қўрмайди.

لَا يَلِدُغُ الْمُؤْمِنُ مِنْ جَرٍّ وَاحِدٍ مَرَّتَيْنِ - Мўмин киши бир тешикда икки марта чақтирмайди.

الْجَارُ قَبْلَ الدَّارِ وَالرَّفِيقُ قَبْلَ الطَّرِيقِ - Уйдан олдин қўшни, йўлдан аввал йўлдош танла.

Хулоса қилиб айтганда, араб мақолларин Қуръон оятлари, ҳадислар, шунингдек, Инжил, турли ҳаётий воқеалар таъсирида шаклланган ва халқ ўртасида адабий тилда ҳам шеваларда ҳам кенг тарқалган.